

Сийрат дарслари (222-дарс) Аллоҳ таоло ёмон кўрадиган тоифалар



19:00 / 17.03.2023 2151

864. Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уч тоифага Аллоҳ Қиёмат куни гапирмайди, назар солмайди ва покламайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни уч марта қироат қилдилар. Шунда Абу Зарр: «Ноумид бўлишибди, ютқазибди. Улар кимлар, эй Аллоҳнинг Расули», деди. «Иштонини судраб юрувчи, миннатчи ва савдо молини ёлғон қасам билан ўтказувчи», дедилар».**

Муслим ривоят қилган.

865. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Қиёмат куни уч тоифага Аллоҳ гапирмайди, уларни покламайди ва уларга назар ҳам солмайди, уларга аламли азоб бўлади: зинокор чол, каззоб бошлиқ ва мутакаббир камбағал».**

Бухорий ривоят қилган.

Бошқа ривоятда:

«Тўрт тоифани Аллоҳ азза ва жалла ёмон кўради: серқасам савдогар, кибрли камбағал, зинокор чол ва жабрчи имом», дейилган.

Насоий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

866. Саҳл ибн Саъд Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким менга икки оёғи орасидаги нарсанинг ва икки жағи орасидаги нарсанинг кафолатини берса, мен унга жаннатнинг кафолатини бераман»,** дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

(Яъни, фаржи ва тилини асраса. – Тарж.)

867. Суфён ибн Абдуллоҳ Сақафий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен маҳкам тутадиган бир ишни айтинг», дедим. **«Роббим Аллоҳдир» де ва сўнг мустақим тур»,** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, мен учун энг хавф қилган нарсангиз нима?» дедим. Шунда у зот ўз тилларини ушладилар ва: «Мана бу!» дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.